

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат  
харидларини амалга ошириш бўйича танлов  
ўтказишида давлат бюджетидан ажратилган  
марказланитирилган маблағлар ҳисобидан  
ўқув адабиётларни нашр этиш ҳамда чоп этиш  
юзасини Харид комиссиясининг Раиси

Ш.Якубов

2022 й.



РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ  
ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ НАШР ЭТИШ БЎЙИЧА

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА  
ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

Буюртмачи: Олий таълимни ривожлантириш  
тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш  
маркази

Тошкент - 2022 й.

## **МУНДАРИЖА**

### **I БЎЛИМ. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА КЎРСАТМА**

**1 БОБ. УМУМИЙ МАЪЛУМОТ**

**2 БОБ. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ,  
ТОПШИРИЛИШИ, БАҲОЛАНИШ ТАРТИБИ ВА КЎРИБ  
ЧИҚИШ МУДДАТЛАРИ**

**1-илова. Танлов иштирокчисидан сўраладиган хужжатлар рўйхати ва  
шакллари**

**1-ШАКЛ. АРИЗА**

**1-илова. Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза**

**2-илова. Танлов иштирокчиси тўғрисидаги умумий маълумот**

**2-ШАКЛ. КАФОЛАТ ХАТИ**

**3-ШАКЛ. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНинг ТАЖРИБАЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

**4-ШАКЛ. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНинг ТЕХНИК ВА МОДДИЙ  
РЕСУРСЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

**5-ШАКЛ. ТЕХНИК ТАКЛИФИ**

**6-ШАКЛ. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНинг МОЛИЯВИЙ АХВОЛИ**

**7-ШАКЛ. НАРХ ТАКЛИФИ**

**2-илова. Иштирокчининг танлов таклифини баҳолаш мезонлари**

**II БЎЛИМ. ТЕХНИК ҚИСМИ ТАВСИФИ**

**III БЎЛИМ. НАРХ ҚИСМИ ТАВСИФИ**

**IV БЎЛИМ. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИ ТАНЛОВДАН  
ЧЕТЛАТИШ ШАРТЛАРИ**

**ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ**

# **I БЎЛИМ. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА КЎРСАТМА**

## **I БОБ. УМУМИЙ МАЪЛУМОТ**

1.1. Ушбу танлов хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлик тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сонли қарори талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**1.2. Танлов мавзуси: Республика олий таълим муассасалари учун замонавий ўқув адабиётларини нашр этиш.**

1.3. Молиявий манбаларнинг бошлангич қиймати **2-лот бўйича 263 690 000,00 (Икки юз олтмиш уч миллион олти юз тўқсан минг) сўм 00 тийин.**

1.4. Танлов ўтказиладиган жой манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси 75-үй.

1.5. Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар: мазкур танловда, нашр этиш ишларини сифатли ҳамда баҳоси жиҳатидан маъқул тарзда етказиб бериш имконияти мавжуд, чоп этиш бўйича гувоҳнома ва (лицензия)га ҳамда малакали тажрибага эга бўлган барча хўжалик субъектлари – юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

1.6. Боғланиш учун мансабдор шахс: Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни тадбиқ этиш маркази бўлими бошлиғи Мамажонов Исломжон Имомали ўғли, манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси 75-үй, телефон: (71) 207-03-43 (108)

1.7. Электрон танлов хужжатлари қоидаларини изоҳлаш учун сўров бериш шакли маҳсус ахборот порталидаги эълонда келтирилган.

1.8. Электрон шаклда танлов таклифи эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 календарь куни давомида (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача (охирги кун маҳсус ахборот порталидаги эълонда кўрсатилган вактгacha) электрон шаклда маҳсус ахборот порталидаги Операторга талабгор томонидан топширилиши мумкин.

1.9. Таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн кун муддатда танлов иштирокчиларининг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади (*буортмачи ёзма равишда иштирокчиларга танлов ўтказии куни ва вақти тўғрисида хабар беради*).

Телефонлар: (71) 207-03-43 (108), 207-03-43 (110).

1.10. Фойдаланиладиган валюта: Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси «Сўм».

1.11. Тўлов шартлари: Пул ўтказиш йўли билан. Шартнома қийматининг 30% олдиндан, қолган 70% шартнома шартларига мувофиқ буортма бажарилганидан кейин амалга оширилади.

1.12. Танловда иштирок этиш учун танлов таклифи ўзбек тилида тайёрланади.

1.13. Электрон танлов иштирокчиси танлов хужжатларидаги талабларни тушунтириш талаби билан буюртмачига очик электрон чат орқали танлов таклифларини бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин сўров юборишга ҳақли.

## **П БОБ. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ, ТОПШИРИЛИШИ, БАҲОЛАНИШ ТАРТИБИ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ МУДДАТЛАРИ**

2.1. Буюртмачи электрон танловни ўтказиш учун ток сонли аъзолардан (камидан беш кишидан) иборат харид комиссиясини тузади.

2.2. Харид комиссияси аъзоларининг таркиби ва сони олинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзгариши мумкин.

2.3. Электрон танлов хўжалик фаолияти доирасида ўтказилганда харид комиссияси буюртмачининг вакиллари орасидан, зарур бўлган тақдирда овоз бериш ҳукуқи билан экспертлар жалб этилган ҳолда шакллантирилади.

2.4. Харид комиссияси буюртмачининг тегишли қарори билан тузилади ва тарқатиб юборилади.

2.5. Электрон танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг овоз бериш ҳукуқига эга бўлмаган масъул котиби ташкиллаштиради.

Харид комиссиясининг масъул котиби:

иштирокчиларнинг таклифларини танлов хужжатларининг расмийлаштириш талабларига мос келиши бўйича текширишни амалга оширади ва текшириш натижаларини харид комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим қиласди;

танлов хужжатларида белгиланган мезонлар бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш натижаларини электрон тизимга киритади.

2.6. Буюртмачи харид комиссиясининг ҳар бир аъзосига ва масъул котибига ўз вазифаларини амалга ошириш учун электрон тизимда шахсий кабинет очади.

2.7. Харид комиссиясининг ваколатига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун харид комиссиясининг аъзолари ва масъул котибининг электрон тизим томонидан ёпиқ чат орқали мулоқот қилиш имконияти таъминланади.

2.8. Электрон тизимдаги шахсий кабинетга биринчи маротаба кирилаётганда харид комиссиянинг ҳар бир аъзоси, шу жумладан унинг раиси иштирокчилар билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжудлиги тўғрисида маълумотларни киритиши шарт. Оператор харид комиссияси аъзолари томонидан киритилган маълумотларнинг маҳфилигини таъминлаш бўйича жавобгар бўлади.

2.9. Харид комиссияси аъзоларида иштирокчилар билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўтарилган мажлисда ўзини ўзи

рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда баённомада қайд этилади.

2.10. Иштирокчиларнинг харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишида харид комиссияси аъзосининг ушбу иштирокчи билан аффилланганлиги мавжуд бўлганда тизим ушбу харид комиссияси аъзосининг овозини мазкур масала бўйича овоз бериш натижаларидан чиқариб ташлайди.

2.11. Харид комиссияси раисининг аффилланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжуд бўлса, электрон танловни ўтказиш жараёни буюртмачи томонидан янги харид комиссияси раиси тайинлангунига қадар тўхтатилади.

2.12. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий кабинети орқали овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Харид комиссияси аъзоси қарши овоз берганда электрон баённомада шарҳ қолдириши шарт. Белгиланган муддатларда харид комиссияси аъзоси шахсий кабинети орқали овоз беришдан бўйин товлаган тақдирда, у овоз беришдан бош тортган деб тан олинади. Харид комиссия раиси овоз беришда бош тортишга ҳақли эмас.

2.13. Буюртмачи томонидан электрон танлов ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг буюртмачининг мутахассислари ёки электрон танловни ташкиллаштириш ва ўтказиш учун масъул шахс томонидан танлов хужжатларининг, шартнома ва электрон танлов ўтказиш ҳақидаги эълоннинг матни ишлаб чиқилади.

2.14. Электрон танлов ўтказилганда иштирокчилар танлов таклифларини электрон конверт кўринишида ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон танловни ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.

2.15. Иштирокчининг танлов таклифининг ажralmas қисми бўлган электрон хужжатлар оператор томонидан белгиланган форматларда тақдим этилади. Ҳар бир жойлаштирилган электрон хужжат иштирокчининг электрон ракамли имзоси билан тасдиқланади.

2.16. Танлов таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа хужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин.

Бунда иштирокчиларнинг танлов таклифлари электрон тизимдаги шаблонларга мувофиқ хужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар бириктирилган хужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.

2.17. Танлов таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар электрон танлов иштирокчилари, шу жумладан харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.

2.18. Электрон танлов иштирокчиси битта лотга факат битта танлов таклифини беришга ҳақли.

2.19. Электрон танлов иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

2.20. Электрон танлов иштирокчиси тақдим этилган танлов таклифларини бериш муддати тугагунига қадар берилган танлов таклифини чакириб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳакли.

2.21. Электрон танлов иштирокчиси танлов хужжатларидағи талабларни тушунтириш талаби билан буюртмачига очик электрон чат орқали танлов таклифларини бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин сўров юборишга ҳакли.

2.22. Буюртмачи сўров келиб тушган санадан эътиборан икки кун ичида ушбу сўровга очик электрон чат орқали тушунтириш юбориши шарт.

2.23. Электрон танловда қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлган иштирокчилар қатнаша олади, лозим бўлган хужжатлар **1-иловада (1,2,3,4,5,6,7-шакллар)** келтирилган:

шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

солиқлар ва йифимлар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

2.24. Электрон танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда танлов ўтказилмаган деб топилади. Бундай ҳолатда буюртмачи танловни айни ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айни ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ тақороран амалга ошириши шарт.

2.25. Электрон танлов харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда электрон тизим автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлов таклифларини ташкил этувчи электрон хужжатларни кўриш имкониятини беради.

Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлов таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда электрон тизимдаги электрон майдонлар тўлдирилиши керак.

Электрон тизим иштирокчи таклиф этган нархни бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек тўлдирилмаган майдонлар мавжуд бўлса ёки бириктирилган файллар тўлиқ бўлмаса, электрон тизим рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг танлов таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.

2.26. Агар танлов таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎзРҚ-684-сонли Қонуннинг ва танлов хужжатларининг

талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлов таклифи тегишли тарзда расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг хulosаси унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

2.27. Танлов таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссиясининг масъул котиби электрон танлов иштирокчиларидан уларнинг танлов таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.

2.28. Танлов таклифининг техник қисмини миқдорий кўрсаткичларга асосан баҳолаш, шунингдек таклифининг нарх қисмини баҳолаш электрон тизим томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

2.29. Танловга таклифларни қабул қилиш маҳсус ахборот порталида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

2.30. Агар таклифлар бериш муддати тугаган пайтда танлов комиссияси томонидан танлов иштирокчиларидан танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камидан иккита таклиф олинган бўлса, танлов ўтказилган деб топилади.

2.31. Танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда танлов ўтказилмаган деб топилади.

2.32. Эълонда танловни ўтказиш вақти сифатида кўрсатилган вақтда Харид комиссияси танлов иштирокчилари томонидан берилган таклифларни баҳолаш учун кўриб чиқади.

2.33. Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн кундан кўп эмас.

2.34. Харид комиссияси ғолибни аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни мазкур танлов ҳужжатларининг **2-иловада** келтирилган мезонлар асосида баҳолашни амалга оширади.

2.35. Танлов таклифларини кўриб чиқиш натижаларига қўра харид комиссиясининг масъул котиби электрон тизимда харид комиссияси йиғилишининг электрон баённомасини тузади ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига юборади.

Харид комиссияси аъзолари электрон баённомани электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди.

2.36. Харид комиссиясининг қарорлари унинг аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.37. Танлов таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари электрон баённомада қайд этилади ва электрон танлов ўтказиш бўйича харид комиссияси аъзолари томонидан электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда имзоланади. Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равишда эълон қилинади.

Бунда, баённомада куйидаги ахборот бўлиши керак:

танлов таклифлари кўриб чиқиладиган ҳамда баҳоланадиган сана ва вакт;

харид комиссияси аъзоларининг ва электрон танлов иштирокчилари ваколатли вакилларининг таркиби;

танлов таклифлари кўриб чиқилган электрон танлов иштирокчилари;

танлов таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган электрон танлов иштирокчилари;

электрон танлов ғолиби тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида маълумот;

электрон танлов ғолибининг номи (юридик шахслар учун), Ф.И.О. (жисмоний шахслар учун), турган жойи (почта манзили).

2.38. Электрон танловнинг исталган иштирокчиси электрон баённома эълон қилинганидан сўнг буюртмачига электрон танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.

Буюртмачи бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида электрон танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши мажбур.

## Танлов иштирокчисидан сўраладиган ҳужжатлар рўйхати ва шакллар:

1. Танлов комиссияси номига йўлланма ариза (**1-шакл, 1,2-иловалар**);
2. Корхонанинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, корхона раҳбари паспорти хамда лавозимига тайинлаш бўйича буйруқ, корхонанинг нашр қилиш фаолияти билан шуғулланиши учун берилган гувоҳнома (лицензия) ҳужжатлари танлов иштирокчисининг мухри билан тасдиқланган холда нусхаларини тақдим этиш;
3. Танлов иштирокчисига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги, шунингдек имзоланган шартномалар бўйича ўз вақтида бажарилмаган мажбуриятлар хамда бошқа ҳолатларнинг мавжуд эмаслигини тўғрисида корхона томонидан кафолат хати (**2-шакл**);
4. Танлов иштирокчисининг тажрибалари тўғрисида маълумот (**3-шакл**);
5. Танлов иштирокчисининг техник таклифи (**4-шакл**);
6. Корхонада мавжуд бўлган барча техник ва моддий ресурслар тўғрисида маълумот (**5-шакл**);
7. Танлов иштирокчисининг молиявий холати тўғрисида маълумот (**6-шакл**);
8. Танлов иштирокчисининг нарх таклифи хамда маҳсулотни етказиб бериш муддати тўғрисида маълумот (**7-шакл**);
9. Иштирокчининг ҳисоб ракамидаги маблағлар қолдиғи тўғрисида ҳизмат кўрсатаётган банк томонидан тасдиқланган маълумот.

**Изоҳ:** Талаб этилган мазкур ҳужжатлар электрон шаклда электрон танлов эълон қилинган санадан бошлиб маҳсус электрон порталга бириктирилади.

*ИШТИРОКЧИННИГ ФИРМА БЛАНКАСИДА*

№ \_\_\_\_\_

Сана \_\_\_\_\_

**Харид комиссиясига**

**АРИЗА**

Биз, (*Корхона-танлов иштирокчисининг тўлиқ номи*), электрон махсус ахборот порталида жойлаширилган Республика олий таълим муассасалари учун замонавий ўқув адабиётларини нашр этиш бўйича \_\_\_\_\_ -сонли лотдаги танлов ҳужжатлари хамда \_\_\_\_-сонли сўровномага (*ёзма сўровлар ва уларга жавоблар мавжуд бўлганда раҳамини кўрсатинг*) ёзма жавобларни ўрганиб чиқсан холда танловда иштирок этмоқчилигимизни маълум қиласиз.

Шунингдек, танловда иштирок этиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар хамда танлов бўйича ўз таклифларимизни харид комиссиясига тақдим қиласиз.

Тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўғри ва ишончлилигини кафолатлаймиз.

Танлов таклифини тайёрлаш учун масъул шаҳс:

---

Боғланиш учун телефон/факс: \_\_\_\_\_

Электрон почта манзили: \_\_\_\_\_

(*Раҳбар ёки имзолаи ваколатига эгалик қилувчининг имзоси*)

(*Имзолаи ваколатига эгалик қилувчининг Ф.И.Ш. ва лавозими*)

**М.Ў.**

(1-шакл 1,2-иловалар бирга тақдим этилиши шарт)

(иловаларнинг барча бетлари топширилаётганда танлов иштирокчилари томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши шарт)

**ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКАСИДА**

№\_\_\_\_\_

Сана\_\_\_\_\_

**Харид комиссиясига**

**Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича  
АРИЗА**

Ушбу хат билан \_\_\_\_\_:  
(корхона номи)

**а):**

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” ги Қонуни талабларига риоя этиш;

- Буюртмачи томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг кўлланилишига таъсир ўtkазиш мақсадида Буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилмаслик, бермаслик ёки беришга розилик билдирилмаслик;

- рақобатга қарши ҳаракатларни содир этмаслик, шунингдек аффилланганлик ҳолларига йўл қўймаслик;

- фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш;

- ёлғон ёки сохта ҳужжатларни тақдим этмаслик, айни битта лотда иштирок этган аффилланган шахслар ёки манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумотларни очиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олишини;

**б):**

- Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувига эга эмаслигини, ижрочини танлов бўйича қарор қабул қилиш хукуқига эга яқин қариндошларнинг мавжуд эмаслигини;

- нархларни ёки иштирокчиларни саралаш натижаларини бузуб кўрсатиш мақсадида бошқа иштирокчилар билан олдиндан тил бириктирилмаслигини тасдиқлайди.

Рахбар Ф.И.Ш.\_\_\_\_\_

Бош ҳисобчи (молия бўлими бошлиғи) Ф.И.Ш.\_\_\_\_\_

Хукуқшунос Ф.И.Ш.\_\_\_\_\_

**МЎ.**

**(иловаларнинг барча бетлари топширилаётганда танлов иштирокчилари томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши шарт)**

## ИШТИРОКЧИННИГ ФИРМА БЛАНКАСИДА

№ \_\_\_\_\_

Сана \_\_\_\_\_

**Харид комиссиясига****Танлов иштирокчиси түғрисидаги умумий маълумот****түғрисида умумий маълумот:**

| №  | Кўрсаткичлар  | Маълумот |
|----|---|----------|
| 1  | Корхонанинг тўлиқ юридик номи ва мулкчилик шакли:   |          |
| 2  | Корхона ташкил топган вақт ва рўйхатдан ўтган рақами:   |          |
| 3  | Хизмат кўрсатувчи банк:   |          |
| 4  | Корхонанинг раҳбари:  |          |
| 5  | Корхонанинг раҳбарининг телефон рақами  |          |
| 6  | Эл. почта:<br>Телеграм рақами:  |          |
| 7  | Низом жамғармаси:   |          |
| 8  | Код ОКОНХ, ОКЭД, СТИР:  |          |
| 9  | Корхонанинг ишлаб чиқариш худуди манзили:   |          |
| 10 | Умумий ер майдони:  |          |
| 11 | Корхонанинг ишлаб чиқариш биноси мавжудлиги ёки ижара шартномаси асосидалиги түғрисида (кв.м) |          |
| 12 | *Фаолият тури (асосий ва қўшимча):  |          |
| 13 | Ишлаб чиқариладиган маҳсулот номи (охирги 5 йиллик рўйхат асосида):                           |          |
| 14 | Ишчилар сони (уларга тўланган жами иш хақи, барча ушланма ва ўтказмалар билан):               |          |
| 15 | Ўртача иш хақи:   |          |
| 16 | 2020 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сони (январь-декабрь)                                 |          |
| 17 | 2020 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (хизматлар) ҳажми сум                                 |          |
| 18 | 2021 йил ишлаб чиқарган маҳсулоти сони (январь-декабрь)                                       |          |
| 19 | 2021 йил ишлаб чиқарган маҳсулотни сўмдаги нархи (январь-декабрь)                             |          |

|    |   |  |
|----|---|--|
| 20 | 2022 йил ишлаб чиқарган маҳсулоти сони (январь-декабрь)           |  |
| 21 | 2022 йил ишлаб чиқарган маҳсулотни сўмдаги нархи (январь-декабрь) |  |

(ваколатли шахснинг имзоси)

(ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.ва лавозими)

**М.Ў.**

Сана «\_\_\_\_\_» 2022 й.

**(иловаларнинг барча бетлари топширилаётганда танлов иштирокчилари томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши шарт)**

**ИШТИРОКЧИННИГ ФИРМА БЛАНКАСИДА**

№\_\_\_\_\_

Сана\_\_\_\_\_

**Харид комиссиясига****КАФОЛАТ ХАТИ**

Ушбу хат оркали \_\_\_\_\_ га нисбатан:  
*(тандов иштирокчисининг тўлиқ номи)*

- ✓ қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини;
- ✓ буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини;
- ✓ соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарзларга эга эмаслигини;
- ✓ инсофсиз ижро чиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлигини;
- ✓ имтиёзли солик берадиган ва/ёки молиявий операциялар (оффшор зоналарида) ўтказилганда маълумотларнинг ошкор этилиши ва ахборот билан тақдим этилиши кўзда тутилмаган давлатлар ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтмаганлиги, таъсисчиларга эга эмаслиги, банк ҳисоб рақамларига эга эмаслигини;
- ✓ аввал имзоланган шартномалар бўйича ўз муддатида бажарилмаган келишилган мажбуриятларни мавжуд эмаслигига ва Харид комиссиясига тақдим этилаётган хужжатларни тўғрилигига **кафолат берамиз.**

Имзолар:

Рахбар (Ф.И.Ш.) \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер (молия бўлими бошлиғи) (Ф.И.Ш.) \_\_\_\_\_

Юрист (Ф.И.Ш.) \_\_\_\_\_

**М.Ў.**

**(иловаларнинг барча бетлари топширилаётганда тандов иштирокчилари томонидан имзоланган ва муҳланган бўлиши шарт)**

**ИШТИРОКЧИННИГ ФИРМА БЛАНКАСИДА**

№ \_\_\_\_\_

Сана \_\_\_\_\_

**Танлов иштирокчисининг тажрибалари тўғрисида маълумот**

Юридик шаҳснинг тўлиқ номи: \_\_\_\_\_

Фаолиятнинг асосий йўналишлари: \_\_\_\_\_

Доимий ва вақтинчалик ишловчи ходимлари умумий сони: \_\_\_\_\_, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар (жами): \_\_\_\_\_

Вақтинчалик ишловчи ходимлар (жами): \_\_\_\_\_

**Танловга қўйилган маҳсулотларга ўхшаш маҳсулотларни ишлаб чиқарганлиги тўғрисида маълумот:**

| Т.р. | Маҳсулот номи | Буюртмачининг номи, манзили ва боғланиш учун ахборот | Бажариш санаси | Изоҳ |
|------|---------------|--|----------------|------|
| 1.   |               |  |                |      |
| 2.   |               |  |                |      |
| 3.   |               |  |                |      |

(Раҳбар ёки имзолаши ваколатига эгалик қилувчининг имзоси)

(Имзолаши ваколатига эгалик қилувчининг Ф.И.Ш. ва лавозими)

**М.Ў.**

(иловаларнинг барча бетлари топширилаётганда танлов иштирокчилари томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши шарт)

**ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКАСИДА**

№\_\_\_\_\_

Сана\_\_\_\_\_

**Харид комиссиясига**

**Республика олий таълим муассасалари учун замонавий ўқув  
адабиётларини нашр этиш бўйича**

**ТЕХНИК ТАКЛИФИ**

Биз, (танлов иштирокчисининг тўлиқ номи)  
шу хақда маълум қиласизки, маҳсус ахборот порталида жойлашган  
-сонли лотдаги Республика олий таълим муассасалари учун  
замонавий ўқув адабиётларини нашр этиш бўйича танлов ҳужжатларини ва  
-сонли сўровларимизга (*ёзма сўровлар ва уларга жавоблар мавжуд  
бўлганда раҳамини кўрсатинг*) ёзма жавобларини ўрганиб чиқиб, Республика  
олий таълим муассасалари учун замонавий ўқув адабиётларини нашр этиб  
беришни таклиф этамиз.

Танлов ғолиби билан тузиладиган шартнома бўйича ушбу техник  
таклифига мувофиқ ишларни бажариш мажбуриятини оламиз.

Биз, танлов таклифларни қабул қилиш тутатилган кундан бошлаб  
90 (тўқсон) календар кун давомида ушбу танлов таклифи қонун-қоидаларига  
риоя этишга розилик билдирамиз. Ушбу танлов таклифи биз учун мажбурий  
бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат ўтгунга қадар ихтиёрий вақтда қабул  
қилиниши мумкин.

Илова: Бажариладиган ишлар техник тавсиф жадвали

(Рахбар ёки имзолаши ваколатига эгалик қилувчининг имзоси)

(Имзолаши ваколатига эгалик қилувчининг Ф.И.Ш. ва лавозими)

**М.Ў.**

**(иловаларнинг барча бетлари топширилаётганда танлов иштирокчилари томонидан  
имзоланган ва муҳрланган бўлиши шарт)**

**ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКАСИДА**

№\_\_\_\_\_

Сана\_\_\_\_\_

**Танлов иштирокчисининг техник ва моддий ресурсларининг  
мавжудлиги тўғрисида маълумот**

Танлов иштирокчисининг номи: \_\_\_\_\_

**Ўқув адабиётларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган матбаа  
ускуналари**

| Т.р. | Матбаа техникасининг номи | Сони | Ишлаб чиқарилган санаси | Сотиб олинган сана |
|------|---------------------------|------|-------------------------|--------------------|
| 1    |                           |      |                         |                    |
| 2    |                           |      |                         |                    |
| 3    |                           |      |                         |                    |

**Изоҳ:** Ўқув адабиётларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ҳар бир ускуналар рўйхати кўрсатилиши лозим.

**Таклиф қилинаётган маҳсулотни тайёрлаш учун моддий ресурслари**

| Т.р. | Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Микдори |
|------|---------------|---------------|---------|
| 1.   |               |               |         |
| 2.   |               |               |         |
| 3.   |               |               |         |
| 4.   |               |               |         |

**Изоҳ:** Ўқув адабиётларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ҳар бир хом-аишё материаларини номи кўрсатилиши лозим. Нашриёт тасарруфида босмахона мавжуд бўлмаса хамкорлик шартнома(лар) асосида ишләётган босмахона(лар)нинг ишлаб чиқарии ускуналари, моддий ресурсларини кўрсатилиши лозим. (хамкорлик шартнома(лар) нусха(лари)си илова қилинади.

(Раҳбар ёки имзолаши ваколатига эгалик қуловчининг имзоси)

(Имзолаши ваколатига эгалик қуловчининг Ф.И.Ш. ва лавозими)

М.Ў.

(иловаларнинг барча бетлари топширилаётганда танлов иштирокчилари томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши шарт)

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИННИГ МОЛИЯВИЙ АХВОЛИ

*(Танлов иштирокчисининг номи)*

(минг сўмда)

| Моддалар номи  | Сўнги 2 йиллик маълумотлар |        |
|--|----------------------------|--------|
|  | 20__й.                     | 20__й. |
| <b>Баланс ҳисоботидан маълумот</b>                       |                            |        |
| <b>Активлар</b>  |                            |        |
| <b>I. Узоқ муддатли активлар</b>                         |                            |        |
| Асосий воситалар   |                            |        |
| Номоддий активлар  |                            |        |
| Узоқ муддатли инвестициялар                              |                            |        |
| <i>ш. и.: капитал қўйилмалар</i>                         |                            |        |
| <b>II. Жорий активлар</b>                                |                            |        |
| Товар - моддий захиралар                                 |                            |        |
| <i>ш. и.: ишилаб чиқарни захиралар</i>                   |                            |        |
| Дебиторлар   |                            |        |
| Пул маблағлари   |                            |        |
| <b>Пассивлар</b>   |                            |        |
| <b>I. Ўз маблағлари манбалари</b>                        |                            |        |
| <i>ишилаб чиқарни захиралар</i>                          |                            |        |
| <i>устав капитали</i>                                    |                            |        |
| <i>Бўлинмаган даромад</i>                                |                            |        |
| <b>II. Мажбуриятлар</b>                                  |                            |        |
| Кўп муддатли мажбуриятлар                                |                            |        |
| Жорий мажбуриятлар                                       |                            |        |
| <i>ишилаб чиқарни захиралар</i>                          |                            |        |
| <i>жорий кредитор қарздорлик</i>                         |                            |        |
| <i>муддати ўтган кредитор қарздорлик</i>                 |                            |        |
| <b>Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботидан маълумот</b> |                            |        |
| Махсулот сотишдан соф даромад                            |                            |        |
| Солик солинмаган холдаги фойда                           |                            |        |
| Соф фойда  |                            |        |

Баланс бўйича фойда \_\_\_\_\_

Раҳбар \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

**М.Ў.**

Электрон шаклида қабул қилинганлиги Давлат солик инспекцияси томонидан тасдиқланган ёки қабул қилинган сўнги 2 йиллик баланс (Форма-1) ва молиявий натижалар тўғрисида (Форма-2) ҳисоботларини нусхаси илова қилиниши шарт.

**(иловаларнинг барча бетлари топширилаётганда танлов иштирокчилари томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши шарт)**

**ИШТИРОКЧИННИГ ФИРМА БЛАНКАСИДА**

№\_\_\_\_\_

Сана\_\_\_\_\_

**Харид комиссиясига****Республика олий таълим муассасалари учун замонавий ўқув  
адабиётларини нашр этиш бўйича****НАРХ ТАКЛИФИ**

(танлов иштирокчисининг тўлиқ номи) \_\_\_\_\_, танлов хужжатларини ўрганиб чиқган холда, танлов шартларига мувофиқ Республика олий таълим муассасалари учун замонавий ўқув адабиётларини нашр этишни кўйидаги келишув асосида таклиф қилади:

**Тўлов шартлари:** Шартнома шартларига мувофиқ шартнома қийматининг 30% миқдоридаги маблағни олдиндан, қолган 70% қисмини буюртма бажарилганидан кейин пул ўtkазиш йўли билан амалга оширилади.

**Етказиб бериш шартлари:** Тайёр бўлган маҳсулот Буюртмачининг омборига, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси 75-уй манзилига етказиб берилади.

**Етказиб бериш муддати:** 30% миқдоридаги олдиндан тўлов амалга оширилган қундан бошлаб 45 банк куни ичida бажарилади.

- бажариладиган ишларнинг умумий қиймати: \_\_\_\_\_ сўм.

(танлов таклифининг умумий қиймати рақам ва сўз билан)

Биз, танлов таклифларни қабул қилиш тутатилган қундан бошлаб 90 (тўқсон) календар кун давомида ушбу танлов таклифи қонун-қоидаларига риоя этишга розилик билдирамиз. Ушбу танлов таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат ўтгунга қадар ихтиёрий вақтда қабул қилиниши мумкин.

Илова: Бажариладиган ишлар нарх жадвали

(Раҳбар ёки имзолаши ваколатига эгалик қилувчининг имзоси)

(Имзолаши ваколатига эгалик қилувчининг Ф.И.Ш. ва лавозими)

**М.Ў.**

Сана: « \_\_\_\_ » 2022 й.

(иловаларнинг барча бетлари топширилаётганда танлов иштирокчилари томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши шарт)

## Иштирокчининг танлов таклифини баҳолаш мезонлари

| Т.р.  | Мезон   | Мезон бўйича<br>максимал балл | Изоҳ  |
|---|---|-------------------------------|---|
| 1   | Танлов иштирокчисининг фаолиятини баҳолаш   | 15                            | Барча керакли хужжатлар тақдим этилиши шарт |
| 2   | Танлов иштирокчисининг маъсулиятини баҳолаш   | 10                            | Барча керакли хужжатлар тақдим этилиши шарт |
| 3   | Танлов иштирокчисининг тажрибаларини баҳолаш  | 25                            | Барча керакли хужжатлар тақдим этилиши шарт |
| 4   | Танлов иштирокчисининг техник эксплуатация имкониятларини баҳолаш                         | 15                            | Барча керакли хужжатлар тақдим этилиши шарт |
| 5   | Танлов иштирокчисининг моддий ресурслари микдори  | 15                            | Барча керакли хужжатлар тақдим этилиши шарт |
| 6   | Танлов иштирокчисини молиявий аҳволи бўйича баҳолаш                                       | 10                            | Барча керакли хужжатлар тақдим этилиши шарт |
| 7   | Танлов иштирокчиси томонидан танловга қўйилган маҳсулотни етказиб бериш муддатини баҳолаш | 10                            | Барча керакли хужжатлар тақдим этилиши шарт |
| <b>Мезонлар бўйича жами<br/>максимал балл</b> |   | <b>100</b>                    |   |

## II БЎЛИМ. ТЕХНИК ҚИСМИ ТЕХНИК ТОПШИРИФИ

1. Танлов иштирокчиси битта ёки ундан ортиқ лотлар бўйича таклиф киритиши мумкин. (*Танлов иштирокчиси иккита ёки ундан ортиқ лотлар бўйича таклиф киритганда ҳар бир лот доирасида алоҳида таклиф киритиши керак*).

2. Ўқув адабиётларини нашр этишда текст териш, сахифалаш, таҳрир қилиш, техник таҳрир қилиш, жадвал, чизма, расм ва иллюстратив кўринишларга ишлов бериш ва тасдиқланган жадвалда кўрсатилган хизматларни ўз ичига олади, чоп этишда  $70 \text{ гр}/\text{м}^2$  дан кам бўлмаган оғсет қоғозидан фойдаланилади.

3. Республика олий таълим муассасалари учун замонавий ўқув адабиётларининг техник таснифи ушбу танлов хужжатларининг ажралмас

қисми сифатида тасдиқланган техник топширикнинг 1-жадвалида кўрсатилган.

4. Етказиб бериладиган маҳсулотлар сифати амалдаги Давлат стандарти талабига ва техник шартларда назарда тутилган меъёрларга жавоб бериши шарт.

5. Бажариладиган ишлар тўлиқ ҳажмда шартномада белгиланган муддатда бажарилиши шарт.

6. Ҳамма зарур хом-ашё ва материаллари Бажарувчи томонидан таъминланади.

7. Иш давомида ёки қабул қилиш-топшириш жараёнида аниqlанган камчиликлар Бажарувчи томонидан ўз ҳисобидан бартараф этилади.

8. Бажарилган ишлар икки томонлама имзоланган топшириш-қабул қилиш далолатнома асосида қабул қилинади.

### **III БЎЛИМ. НАРХ ҚИСМИ НАРХ ТАКЛИФИ**

1. Республика олий таълим муассасалари учун замонавий ўкув адабиётларини нашр этиш бўйича шартномани бошланғич қиймати тасдиқланган жадвалда келтирилган.

2. Шартномани молиялаштириш манбаи: Буюртмачи - Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни тадбиқ этиш марказига 2022 йилдаги харажатлар сметасида Республика олий таълим муассасалари учун замонавий ўкув адабиётларини нашр этиш учун ажратилган марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан.

3. Тўлов шартлари: Пул ўтказиш йўли билан. Шартнома қийматининг 30% олдиндан, қолган 70% буюртма бажарилганидан кейин амалга оширилади.

4. Фойдаланиладиган валюта: Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси «Сўм».

5. Етказиб бериш шартлари: Тайёр маҳсулот Буюртмачининг омборига, Тошкент шахри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси 75-уй манзилига етказиб берилади.

6. Етказиб бериш муддати: Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб шартномага мувофиқ 45 банк кунидан кўп бўлмаган муддатда бажарилади.

7. Танлов иштирокчисининг маҳсулот баҳоси (таклифи)га солиқлар, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар, муаллифлик ҳақининг ставкалари бўйича харажатлар қўшилиши лозим.

8. Ўкув адабиётларини нашр этиш бўйича калькуляцияни ишлаб чиқиша музалифлик калам ҳакқини ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги “Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича

қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3201-сонли қарори 1-иловасининг 1-бандига мувофиқ амалга оширилади.

9. Нарх таклифида кўрсатилган қиймат танлов таклифи қиймати ҳисобланади.

10. Агар танловнинг нарх таклифида ракамлар билан кўрсатилган нарх таклифи сўз билан ёзилган нарх таклифи билан мос келмаса у ҳолда сўз билан ёзилган нарх таклифи тўғри деб қабул қилинади.

11. Нарх таклифининг амал қилиш муддати: Иштирокчи томонидан тақдим этилган нарх таклифи етказиб беришни тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас, Харид комиссияси Буюртмачига Ғолиб билан шартнома тузиш чоғида қийматни пасайтириш борасида музокаралар олиб боришни тавсия қилиши бундан мустасно.

#### **IV БЎЛИМ. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИ ТАНЛОВДАН ЧЕТЛАТИШ ШАРТЛАРИ**

Харид комиссияси ёки давлат харидлари электрон тизимининг оператори иштирокчини танловда иштирок этишдан четлатади, агар:

- Иштирокчи корхона тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;
- иштирокчи томонидан топширилган хужжатлар буюртмачи томонидан берилган хужжатларга мос келмаса ёки талаб этилган хужжат ва шакллар тақдим қилинмаган тақдирда;
- иштирокчи корхонанинг солиқлар ва йифимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлса;
- иштирокчи тўғридан-тўғри ёки билвосита буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг амалдаги ёки собиқ ходими ёки ходимига комиссияга таъсир қилиш мақсадида ҳар қандай шаклда мукофот, иш таклифи ёки бошқа қимматбаҳо нарса ёки хизматни таклиф қилса, берса ёки беришга рози бўлса. Давлат харидлари жараёнида буюртмачининг ҳар қандай ҳаракатлари, қарорлари ёки тендер ўтказиши тартибига таъсир ўтказишига ҳаракат қилса;
- иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти- ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг кўлланишига таъсир ўтказиши мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдиrsa;
- иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилланганлик ҳоллари аникланса танловдан четлаштирилади.

# ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ

—“сонли ШАРТНОМА

Тошкент ш.

“ ” 2022 й.

(кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб аталади) номидан директор \_\_\_\_\_ бир томондан ва иккинчи томондан **Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни тадбиқ этиш маркази** (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталади) номидан директори **Ш.У.Якубов** ўз Низомларига асосан ушбу Шартномани туздилар.

## 1. Шартнома мавзуси

1.1. “Бажарувчи” ушбу шартномага мувофиқ “Буюртмачи” кўрсатмасига кўра мазкур шартноманинг 2-бандида кўрсатилган ўқув адабиётларини: бичимлари 60x84 1/16, матн ранглари 1+1, қаттиқ муқова 4+0, нашр этиш (текст териш, саҳифалаш, тахрир, техник тахрир, жадвал, чизма, расм ва иллюстратив кўринишларга ишлов бериш) ва 70 гр/м<sup>2</sup> дан кам бўлмаган оффсет қофозида чоп этишни мажбуриятини олади, “Буюртмачи” эса бажарилган иш учун белгиланган миқдорда хақ тўлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Нашр этилган маҳсулот Давлат стандартларига мувофиқ бўлиши шарт.

## 2. Шартнома баҳоси

| №           | Ўқув адабиётининг номи | Адабиёт тури | Босма табоги | Ўл.бирл. | Нашр нусхаси | Нархи (сўм) | Умумий қиймати (сўм) |
|-------------|------------------------|--------------|--------------|----------|--------------|-------------|----------------------|
| 1           |                        |              |              |          |              |             |                      |
| 2           |                        |              |              |          |              |             |                      |
| 3           |                        |              |              |          |              |             |                      |
| 4           |                        |              |              |          |              |             |                      |
| <b>ЖАМИ</b> |                        |              |              |          |              |             |                      |

2.1. Шартноманинг умумий қиймати

(КҚСиз ёки КҚС билан) сўмни ташкил қиласди.

## 3. Тўлов шартлари

3.2. “Бажарувчи” шартномада кўрсатиган нарх бўйича умумий қийматининг 30% олдиндан тўлайди. Тайёр маҳсулот шартномада белгиланган нарх бўйича ҳисоб-фактура ва далолатнома асосида кабул қилиб олинади ва қолган 70% тўлов 20 банк кунида амалга оширилади.

3.3. Ҳақ тўлаш шакли “пул ўтказиш” йўли билан амалга оширилади.

## 4. Мажбуриятларни бажариш муддати

4.1. “Бажарувчи” ушбу шартноманинг 1.1-бандида белгиланган мажбуриятларни 30% тўлов амалга оширилгандан сўнг 45 банк куни ҳисобида бажариши шарт.

4.2 Шартнома 20\_\_ йил \_\_\_ га қадар амалда бўлади.

## 5. Томонлар мажбуриятлари

### 5.1. “Бажарувчи” нинг мажбуриятлари:

5.1.1. Тайёр маҳсулотнинг шартнома шартларига мослигини назоратдан ўтказиш мақсадида “Бажарувчи” сигнал нусхасини 70 гр/м<sup>2</sup> дан кам бўлмаган оффсет қофозида “Буюртмачи”га кўрсатиб унинг розилигини олгандан кейин шартномада кўрсатилган тиражни тайёрлашга киришади. Маҳсулотнинг сигнал нусхасига “Буюртмачи” вакили имзо қўяди ва муҳр билан тасдиқлади.

5.1.2. Тайёр маҳсулотни “Буюртмачи”га ушбу шартнома талабларига, давлат стандартига ҳамда бошқа амалдаги талабларга мувофиқ ҳолда белгиланган муддатда топширади.

5.1.3. Ўкув адабиётини нашрга тайёрлаш жараёнида натижанинг салбий бўлиши мумкинлиги ёки унинг мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда 5 (беш) кунлик муддатда “Буюртмачи”га ёзма равишда хабардор қилиниб, нашр иши тўхтатилади ва тегишли тузатишлар киритилгандан сўнг давом эттирилади.

5.1.4. Нашр этиш бўйича топшириғидан ёки шартномада белгиланган бошқа параметрлардан чекиниш натижасида юзага келган камчиликларни “Бажарувчи” ўз кучи ва ўз маблағлари хисобидан бартараф этади.

5.1.5. “Буюртмачи”га топширилган маҳсулотларга учинчи шахсларда алоҳида ҳақ-хукуқлар йўқлиги ҳақида “Буюртмачи”га кафолат беради.

5.1.6. “Бажарувчи” нашр этилган ўкув адабиёти ададидан ташқари муаллиф учун 5 (беш) нусха ажратади.

5.1.7. “Бажарувчи” мажбурий юбориладиган нусхаларни белгиланган қоидага мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида матбаа фаолиятини тартибга солиш тўғрисида” 1998 йил 2 февралдаги 52-сон қарорининг иловаси асосида) тегишли идораларга юборишини ўз зиммасига олади. Мажбурий нусхалар нашр этилган ўкув адабиёти ададидан рўйхати тақдим этилган ҳолда “Буюртмачи” ҳисобига ажратилади.

5.1.8. “Бажарувчи” тайёр маҳсулотни “Буюртмачи” омборига шартноманинг 4.1-бандида белгиланган муддатга қадар етказиб беради.

5.1.9. Нархнинг ҳақиқий харажатлардан келиб чиққанлигига “Бажарувчи” бевосита жавоб беради.

5.1.10. “Бажарувчи” ўкув адабиёти муаллифига конун ҳужжатларида белгиланган тартибда муаллифлик ҳақини тўлайди.

5.1.11. “Бажарувчи” томонидан рухсатсиз шартномада белгиланган параметрлардан кўшимча ададда чоп этиш ёки ҳажмини ўзгартириш ҳамда чакана савдога чиқариш таъкиланади.

5.1.12. “Бажарувчи” нашр этиладиган ўкув адабиётнинг 2 дона сигнал нусхаси ва электрон версиясини СД дискда PDF форматда “Буюртмачи”га топширади.

## 5.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари

5.2.1. “Бажарувчи”га нашр этиш бўйича тасдиқланган шартнома асосида буюртма беради ва у билан ишлар режаси ёки мавзусини келишиб олади.

5.2.2. “Бажарувчи”га ишларни бажариш учун нашр этиладиган ўкув адабиётлар қўлёзмасини ва зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этади.

5.2.3. Муаллифларни ўз муддатида нашриётларга келишини таъминлайди.

5.2.4. “Бажарувчи”га ушбу шартноманинг 2.1-бандида назарда тутилган қийматини белгиланган миқдорда ва муддатида тўлайди.

5.2.4. Тайёр маҳсулотни ушбу шартномада назарда тутилган муддатда ва тартибда қабул қилишиб олади.

## 6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. “Бажарувчи” шартномада белгиланган ўкув адабиётларини ўз вақтида етказиб бермаган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган банк куни учун ўкув адабиётларини нашр этиш умумий баҳосининг 0,5% миқдорида жарима тўлайди, лекин жарима миқдори умумий қийматнинг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

6.2. “Буюртмачи” ўз вақтида тўловларни “Бажарувчи” ҳисоб ракамига ўтказиб бермаган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган банк куни учун ўтказилмаган тўловлар баҳосининг 0,4% миқдорида жарима тўлайди, лекин жарима миқдори ўтказилмаган тўловлар умумий қийматининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3. Шартномага риоя қилмаган томон амалдаги қонунларга кўра етказилган зарарни қоплашни ўз зиммасига олади.

6.4. Маҳсулот Давлат стандарти талабларига риоя қилинмай нашр қилинган тақдирда “Буюртмачи” ушбу шартномада белгиланган қийматни тўламасдан, маҳсулотни қабул қилишиб олишдан бош тортиш хукукига эга. Шу билан бирга “Бажарувчи” тегишли стандарт ва сифатга эга бўлмаган маҳсулот қийматининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

6.5. Пеня ёки жарима тўланиши томонлар мажбуриятларини бажариш ёки хукуқ бузилишларини бартараф қилишдан озод қilmайди.

## **7. Форс-мажор ҳолатлари**

7.1. Томонлардан ҳеч бири бошка томоннинг олдида шартнома бўйича олган мажбуриятларини томонларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатларда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди. Бундай ҳоллар юзага келган тақдирда томонлар 5 (беш) кунлик муддат ичидаги ёзма хабардор қилиниши шарт.

## **8. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

8.1. Томонлар ўртасида шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар ўзаро музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

8.2. Келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиб бўлмаган тақдирда, улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисод судида кўрилади.

## **9. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби**

9.1. Шартномага киритиладиган ҳар қандай қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равища расмийлаштирилиб, ҳар иккала томон имзолаган ҳоллардагина қонуний кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш томонларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва бошка қонун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган заарларни қоплаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Шартномани бекор қилишга қарор килган томон бу ҳақда иккинчи томонга икки ой олдин ёзма хабарнома юборади.

## **10. Бошка шартлар**

10.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб қонуний кучга кирган ҳисобланади.

10.2. Шартнома бир хил кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

## **11. Томонларнинг юридик манзили ва тўлов маълумотлари**

**«Бажарувчи»**

**«Буюртмачи»**

**Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари  
ва илғор технологияларни тадбик этиш  
маркази**

100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шахарчаси 75-йй  
Тел.: 207-03-34.

Шх/в: 100010860262737096300079001

СТИР: 201654145, ИФУТ: 85590

Молия Вазирлиги Фазначилиги

х/р.: 23402000300100001010

ХККМ Марказий банк Тошкент ш., Баш бошқармаси

МФО: 00014, СТИР: 201122919

Директор \_\_\_\_\_ Ш.Якубов

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_ У.Ахмедов

2022 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сонли шартномага илова

Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни тадбиқ этиш маркази ва \_\_\_\_\_ ўртасида 2022 йил  
“\_\_\_\_\_” “\_\_\_\_\_”даги имзоланган шартномада кўрсатилган  
“\_\_\_\_\_” номли ўкув адабиётини чоп этиш ва Буюртмачига етказиб бериш бўйича амалга ошириладиган ишларни бажариш

### ЖАДВАЛИ

| №  | Бажариладиган ишларнинг номи   | Бажариш муддати                                   | Изоҳ |
|----|--|---|------|
| 1. | Ўкув адабиёти қўлёзмаси ва хужжатларини буюртмачидан қабул қилиб олиш                    |   |      |
| 2. | Нашрга тайёрлаш ишлари (тахрир, мусаххихлик, дизайн ишлари, муқова тайёрлаш ва бошқалар) |   |      |
| 3. | Муаллиф билан шартнома имзолаш   |   |      |
| 4. | Дастлабки босмахона ишларини бажариш   |   |      |
| 5. | Сигнал нусхани Ривожлантириш марказига тақдим этиш                                       |   |      |
| 6. | Чоп этишга рухсат олинган ўкув адабиётини босмахонада кўпайтириш                         |   |      |
| 7. | Тайёр маҳсулотни Ривожлантириш маркази омборига етказиш                                  |   |      |
| 8. | Икки томонлама молиявий хужжатларни расмийлаштириш                                       |   |      |
| 9. | Муаллифларга муаллифлик ҳақини тўлаш   | Қолган 70% тўлов амалга оширилганидан сўнг 30 кун |      |

\*Расмийлаштирилган жадвал шартноманинг ажralmas қисми ҳисобланиб, унга амал килиш мажбурий

«БАЖАРУВЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни тадбиқ этиш маркази

Директор \_\_\_\_\_